



ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ ҲАМДА УЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛАШТИРИШ

Холикова Дурдона Бунёдҷон қизи
ТМИ магистратура 2-босқич талабаси
E-mail: khurdona0808@bk.ru

Аннотация: мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида ва ундаги молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган маълумотларни шакллантиришда, уларни халқаро стандартлар ёки иқтисоди ривожланган давлатларда мавжуд бўлган тажрибаларга мувофиқлаштириш масаласида бир қатор камчиликлар ва уларга таклифлар кўрсатилган.

Калит сўзлар: хўжалик субъектлари, молиявий ҳисобот, миллий ҳисоб, олинадиган счётлар, асосий воситалар, номоддий активлар, жорий счётлар, олинадиган счётлар, миллий молиявий ҳисобот.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида ва ундаги молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган маълумотларни шакллантиришда, уларни халқаро стандартлар ёки иқтисоди ривожланган давлатларда мавжуд бўлган тажрибаларга мувофиқлаштириш масаласида бир қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Ушбу фикр тўлиқ миллий ҳисоб тизимимиздаги олинадиган счётлар ёки дебиторлар ҳисоби мавзусига ҳам тегишли. Албатта, бу борадаги камчиликларни барчасини кўрсатиб, улар тўғрисида муносабат билдиришни тадқиқот ишининг бир параграфи доирасида амалга ошириш имконияти йўқ. Шу сабабли фикримизни параграф номланишидаги энг муҳим масалалар деб белгиланган ҳисоб объектларга қаратамиз.

Миллий бухгалтерия ҳисобида олинадиган счётлар ёки дебиторлар ҳисоби амалдаги счётлар режасида икки гуруҳга ажратилиб ҳисобга олиниши белгилаб берилган. Шундан, счётлар режасининг биринчи қисмида “Узоқ муддатли активлар” таркибидаги “Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар” деб номланган биринчи бўлимида “Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар” (0900) хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли дебитор қарзларни ҳисобга олиш учун тайинланган.



Счетлар режасининг “Жорий активлар” деб номланувчи иккинчи қисми IV-бўлимда “Олинадиган счётлар - жорий қисми” даги счётлар эса хўжалик юритувчи субъектлардаги дебитор қарзларни жорий қисмини ҳисобга олиш учун фойдаланиши белгиланган. Улар қуйидагилардан иборат:

4000 - Олинадиган счётлар;

4100 - Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;

4200 - Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4300 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4400 - Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4500 - Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4600 - Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4700 - Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4800 - Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;

4900 - Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар.

Амалдаги миллий молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”да узок муддатли дебиторлик қарзи қуйидаги тартибда акс эттирилади.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг 1-сон “Бухгалтерия баланси” шаклидан кўчирма

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Узок муддатли дебиторлик қарзи.	110		
Шулардан: дебиторлик қарзини муддати ўтган қисми	111		

Манба:





Мазкур “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган жорий дебиторлик қарзларини тақдим этиш тартиби куйидаги 2-жадвалда кўрсатилган:

2-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг 1-сон “Бухгалтерия баланси” шаклидан кўчирма

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Дебиторлар, жами (220+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлар)	210		
Шулардан: дебиторлик қарзини муддати ўтган қисми	211		
Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260		
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		

Аввало, муҳокамани жадвалда келтирилган “Бухгалтерия баланси”нинг 210 сатрида жойлашган активларни “Дебиторлар” деб номланишидан бошласак. Бизнинг республикамиз ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлатлар ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда “Дебитор(лар)” термини қўлланилади. Бунинг сабаби юртимиздаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси мутахассислари учун маълум. Бошқа томондан қайд этилган географик макон



мутахассисларида бу борада қандай муаммо бўлиши мумкин? деган фикр ҳам ўйғониши табиий.

Энди масалага соҳани халқаро стандартлари ёки иқтисоди ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги амалдаги тартиблар ҳамда улардаги бухгалтерия ҳисоби мутахассислари фикрлари бўйича эътибор берайлик. Иқтисоди ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ҳисобот шаклларида “Дебитор(лар)” (Debtor(s)) термини қўлланилмайди, балки унинг ўрнига “Олинадиган счёта(лар)” (Receivable(s)) тушунчаси ишлатилади.

Қайд ўтиш керакки мамлакатимизда молиявий ҳисобда фойдаланиладиган амалдаги счёталар режасининг IV-бўлими “Олинадиган счёталар - жорий қисм” деб номланган. Лекин, нимагадир мазкур номланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова: “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар” да келтирилган “Бухгалтерия баланси” шаклини тўлдириш бўйича кўрсатмаларида акс этмаган.

Молиявий ҳисобот шаклларининг тузиш ва тақдим қилишнинг халқаро тажрибаларини амалдаги тартибларидан келиб чиқиб ҳамда бизнинг фикримизча ҳам республикамиз ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган “Дебиторлар” номли модда (210 сатр) “Олинадиган счёталар - жорий қисм” деб номланиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳулосага келишнинг асослари қуйидагичадир:

Биринчидан. “Олинадиган счёталар” термини хўжалик юритувчи субъектларда юзага келадиган барча юридик ёки жисмоний шахслардан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ажратилган бўлинмаларидан савдо ҳамда бошқа муомалалардан келиб чиқадиган олишга тегишли қарз суммаларини ифода этади. Ушбу тушунча кенг қўламдаги тавсифга эга.

“Дебитор(лар)” тушунчаси эса халқаро ҳисоб тизимида кўп жиҳатдан, фақат хўжалик юритувчи субъектни савдо фаолиятидан келиб чиқадиган олишга тегишли қарзлар миқдорини акс эттириш учун қўлланилади. Яъни, тайёр маҳсулот (товар)ларни сотиш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва шу тавсифдаги фаолиятлар. Мазкур терминдан фойдаланилганда хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат тавсифига эга бўлмаган бошқа муомалалари таъсирида юзага чиқадиган олишга тегишли маблағлар назарда тутилмайди. Демак, дебиторлар тушунчаси хўжалик





юритувчи субъектнинг олишга тегишли маблағларининг барча турини қамраб олмайди. Шунинг учун у мазмунан тор доира касб этади.

Фикримизга бевосита исбот тарзида 2-жадвалда 210 сатр қаторидаги ҳамда 210 сатрдан то 310 сатр оралиғидаги жами дебиторларни таркибий тузилишини келтириб ўтамиз. Эътибор берилса 210 сатрдаги “Дебиторлар, жами” $220+240+250+260+270+280+290+300+310$ сатрлардаги маълумотлар йиғиндисидан ташкил топмоқда. Бироқ, ушбу йиғинди таркибга 230 сатрдаги “Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари” киритилмаган. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам “Олинадиган счётлар” тушунчасини мазмунини “Дебиторлар, жами” моддасидан кенг эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Таъкидлаш керакки, 210 сатрдаги “Дебиторлар, жами” таркибидаги $220+240+250+260+270+280+290+300+310$ сатрлардаги турли дебиторларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектнинг фақат тижорат фаолиятдан келиб чиқадиган олишга тегишли қарз маблағлари тавсифига эга эмас. Бунинг таркибида савдо тавсифига эга бўлмаган бошқа муомалалар натижасидан келиб чиқадиган олишга тегишли маблағлар ҳам акс этган. Демак, миллий ҳисоб тизимимизда амалдаги дебиторлар таркибини тақдим этишни халқаро талабларга мувофиқлаштириб таснифлаш ҳам молиявий ҳисоб ва ҳисоботи амалга ошириладиган аҳамиятли тадбирлардан бири экан.

Иккинчидан. Сўнгги йилларда республикамизда йирик турдаги, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган ёки келгусида улар билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузиб ҳамда инглиз тилига таржима қилиб чет эллик фойдаланувчиларга тақдим этмоқдалар. Худди шу жойда яна бир муаммо юзага чиқимокда. Башарти, “Дебитор” термини инглиз тилига тўғридан-тўғри Debtor деб таржима қилинса, ахборотдан фойдаланувчи хорижлик ҳамкорлар ушбу термин ва унда акс этган ахборотни ўз қарашлари билан тушунадилар. Натижада, мазкур ҳолат бизнес фоялигида айнан мазкур ҳисоб объекти асосида ёки уни иштирокида тегишли қарорлар қабул қилишга салбий таъсир қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. “Олинадиган счётлар”ни “Receivables” деб таржима қилиниши келажакда ҳеч қандай тушунмовчиликни келтириб чиқармайди.

Бу борадаги яна бир муаммо. Муаммо 2-жадвалдаги 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” моддасининг





номланиши ва унинг мазмунида намоён бўлади. Мазкур номланишдаги “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласига эътибор қаратамиз. Такилаш керакки, миллий мутахассислар мазкур жумлада нима назарда тутилганини биладилар. Бирок, мазкур маълумотдан фойдаланувчи хорижлик мутахассис ёки инвестор бу жумлани қандай тушунсин. Ахир уларда бизнинг ҳисоб тизими бўйича етарли билим ёки амалиёт мавжуд эмас. Қолаверса, бизнинг амалдаги БҲМСлари МҲХСлари билан бошқа ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлардаги каби ўзаро уйғунлашиб кетган эмас.

Тўғри, миллий ҳисоб тизимиздаги “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар”да “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади” деб кўрсатма берилган [2, 2-§.]. 220-сатрдаги “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласи мазмуни қоидадаги кўрсатмани ифодаси тарзида ёзилмоқда. Бирок “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” (4000 дан 4900 нинг айирмаси) моддасини (220-сатр) бундай тарзда ифодалаш молиявий ахборотдан фойдаланувчи хорижий ҳамкор ёки бу борадаги бошқа чет эллик қизиқувчилар учун мураккаб тавсиф касб этади.

Молиявий ҳисоботда маълумотларни акс эттириш ҳамда тақдим этишнинг халқаро тажрибаларида республикамиз ҳисоб тизимида амалдаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” деб номланган модда “Харидорлардан олинадиган счётлар, соф қийматда”(Trade receivable, net) ёки “Харидорлардан олинадиган счётлар, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда” (Trade receivables, less allowance for doubtful accounts of “summa”) деб ёзилади. Бундай номланиш мазкур модда мазмунини тўғри ва содда тарзда ифодалайди ҳамда барчага бирдай тушунарли бўлади.

Яна, 2-жадвалга эътибор берилса дебитор қарз тўғрисидаги ахборотларни акс эттирилиши бухгалтерия балансида ўн икки қатордан иборат эканлиги кўриниб турибди. Тадқиқотлармиз натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хорижий компанияларда, ҳатто маблағ айланиши жудда катта миқдорни ташкил этганлиги ҳамда харидорлар ва буюртмачилар сони жуда кўп бўлганлигига қарамадан ўзларининг олишга тегишли маблағларини “Бухгалтерия баланси”да кам сонли





қаторларда акс эттирадилар.

Амалдаги “Бухгалтерия балансида” дебитор қарзларини тизимли шакллантиришда улар бизнес мақсадлари учун таснифлаштирилмаган ёки у ўта мураккаб тарзда ифодаланган. Яъни, дебитор қарзлар асосан ёйиб акс эттириш тарзида очиб берилган. Хорижий тажрибаларда бу борада қуйидаги ижобий ёндашувлар мавжуд.

Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги компаниялар бухгалтерия балансида олишга тегишли маблағларни асосан икки – Савдо бўйича олишга тегишли (Trade receivables) ҳамда Носавдо бўйича олишга тегишли (Non trade receivables) счётлар гуруҳларига ажратиб тақдим этадилар. Бухгалтерия балансидаги Trade receivables (Савдо бўйича олишга тегишли счётлар) гуруҳи Debtors (Дебиторлар) ҳамда Bills Receivables (Векселлар) моддалари кўринишида алоҳида-алоҳида тарзда акс эттирилади. Debtors ҳамда Bills Receivables моддаларини йиғиндиси Trade receivables моддаси суммасига тенг бўлади.


Дебиторлар (Debtors) моддаси – компаниядан одатдаги бизнес фаолияти бўйича маҳсулотларини, иш ва хизматларини кредит асосда сотиб олган юридик ёки жисмоний шахслардан, шу товарлар учун олишга тегишли пул суммаларини кўрсатиб беради.

Векселлар (Bills Receivables) моддасида эса компанияни савдо фаолиятида молиявий инструментлар (векселлар) воситасида юзага келган олишга тегишли маблағлар акс эттирилади. Векселда тўловчига тўланадиган сумма ва тўлов вақти аниқ қайд этиб берилади.

Носавдо бўйича олишга тегишли счётлар (Non trade receivables) гуруҳида юқоридаги гуруҳ (Trade receivables) таркибига кирмайдиган, яъни носавдо тавсифига эга бўлган олишга тегишли қарзларни акс эттиришга тайинланган. Мисол учун, ходимларга олдиндан берилган аванслар, қарзлар, олишга тегишли солиқ ёки суғурта тўловлари кўрсатилади.

АҚШ компаниялари молиявий ҳисобида носавдо бўйича олишга тегишли счётлар таркиби қуйидаги муомалалардан иборат бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган [4, 319]. Носавдо бўйича олишга тегишли счётлар таркибига мисоллар:

1. Хизматчилар ва ходимларга бўнақлар.
2. Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхона ёки бўлинмага бўнақлар.
3. Потенциал зарар ва йўқотишларни қоплаш учун депозитлар.



4. Тўлаш ёки бажаришга кафолат учун депозит
5. Дивиденд ва фоизларни олишга тегишли счётлар.
6. Қарши томонга талаблар:
 - а) Суғурта компаниясига аҳамиятли бахтсиз ҳодисалар учун.
 - б) Жавобгарларга даъволар учун.
 - в) Солиқ идораларига солиқ тўловларини қайтариш учун.
 - г) Ташувдан келтирилган зарар ёки йўқотилган товарлар учун.
 - д) Кредиторларга қайтарилган, бузилган ёки йўқотилган товарлар учун.
 - е) Харидорларга қайтарилиши мажбур бўлган буюмалар (яшик, идиш, контейнер) учун.

Нима учун юқоридаги муомалаларни биз алоҳида тартибда кўрсатиб ўтдик. Бундан мақсад нима? Маълумки ГААР талабига кўра Бухгалтерия балансида моддалар аҳамиятига ёки компаниянинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб умумлашган (бир гуруҳ моддалар биргаликда) ёки аналитик (бир гуруҳдаги ҳар бир модда аҳамиятидан келиб чиқиб алоҳида) тарзда акс этиши мумкин. АҚШ компанияларининг бухгалтерия балансида муайян модда ягона тарзда бир сатрда алоҳида ёки гуруҳ бўлиб унинг таркибида умумлашган шаклда кўрсатилсин деган кўрсатма мавжуд эмас. Мазкур масала компанияларнинг бу борадаги мақсадидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Бухгалтерия балансининг 110 сатридаги “Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар” (0900) моддасида ҳам юқорида жорий дебитор қарзлар бўйича айтиб ўтилган камчиликлар мавжуд.

Мазкур параграфда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларимизни билдириб ўтамиз. Бунинг учун, олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс этиришнинг янги тартибини таклиф этамиз (3-жадвал)

3-жадвал

Олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс этиришнинг таклиф этилаётган модели

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Олишга тегишли қарзлар, жами (220+260+310)	210		



VOLUME-1, ISSUE-11

Шулардан: Олишга тегишли қарзларни муддати ўтган қисми	211		
Савдо дебиторлик қарзлари, жами (230+240+250)	220		
Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4100 - 4900)	230		
Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўъба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари (4120)	240		
Векселлар бўйича савдо дебиторлик қарзлари (4020)	250		
Носавдо дебиторлик қарзлари, жами (270+280+290+300)	260		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	270		
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4400, 4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4300, 4700, 4800)	300		
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	310		

Манба:

Мазкур моделда молиявий ҳисоботда маълумотларни акс эттириш ҳамда тақдим этишнинг халқаро тажрибаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланган. Улар қуйидаги жиҳатларда яққол кўринади. Республикамиз ҳисоб тизимида амалдаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” деб номланган моддани (2-жадвал) “Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4100 - 4900)” деб ўзгартирилди (3-жадвал, 230 сатр). Бу билан мазкур моддани номланиши барча ахборотдан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлади. Зарурат туфайли ушбу модда бошқа тилларга таржима қилинганда эса бу борада юқорида айтиб ўтилган камчиликлар юзага келмайди.

Таклиф этилган янги тартибда олишга тегишли счётларни савдо дебиторлик қарзлари ҳамда носавдо дебиторлик қарзларига яққол ажратиб берилган. Шу билан бирга ҳар икки гуруҳни таркиби аниқ кўрсатилган ва уларнинг мазмуни тўғри белгиланган.

Савдо дебиторлик қарзлари (220 сатр) таркибидаги “Харидорлар ва



буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда” деб номланувчи моддада (230 сатр) харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун савдо дебиторлик қарзлари бўйича қарзлардан (4100) шубҳали қарзлар бўйича резерв (4900 счёт) суммаси чегирилиб акс эттирилади.

Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари моддасида (240 сатр) шўба ва қарам хўжалик жамиятларига товар, маҳсулот, иш, хизматларни сотиш ва бошқа жорий операциялар бўйича қарзлар тўғрисида ахборотлар берилади. Башарти, шўба ва қарам хўжалик жамиятларида дивиденд ёки фоизлар бўйича муомала суммалари сезиларли аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда бу муомаларга тегишли ахборотлар носавдо дебиторлик қарзлари (260 сатр) таркибидаги “Бошқа дебиторлик қарзлари” моддасида (310 сатр) акс эттириш тавсия қилинади. Чунки, дивиденд ёки фоиз тўловлари субъектларнинг савдо фаолиятига тегишли эмас. Мазкур турдаги маълумотларни сезиларли аҳамиятда бўлиши шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналар бўйича савдо дебиторлик қарзларини нотўғри ёки бузиб кўрсатишни келтириб чиқаради. Бу эса фойдаланувчиларни бу борадаги ҳисоб объектидан келиб чиқиб қабул қилинадиган қарорларига таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Агар, хўжалик юритувчи субъектда мана шундай муомалалар содир бўлса ва у юқоридаги тартибда бухгалтерия балансида акс эттирилса, у ҳолда молиявий ҳисоботга ёзиладиган тушунтириш хатида бу бўйича изоҳлар берилиши шарт.

Макур моддага тегишли яна бир муҳим ҳолат. Шўба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан бош жамиятнинг молиявий ҳисоботида консолидацияланади.¹ Мазкур ҳисоб объекти алоҳида йирик мавзу бўлганлиги сабабли ҳамда илмий тадқиқот ишимизнинг мақсад вазифаларидан келиб чиқиб бу борадаги масалаларни ушбу параграфда кўриб чиқмаймиз.

Моделнинг носавдо дебиторлик қарзлари (260 сатр) моддаси таркибидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 6-сон) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-БХМС) “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”.





моддалар носавдо тавсифига эга бўлган олишга тегишли қарзларни акс эттиради.

Носавдо дебиторлик қарзлари таркибини моддалар бўйича тузилиши уларнинг яъни ҳар бир алоҳида олинган модда амалдаги, ҳам халқаро, ҳам миллий иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятига кўра ташкил қилинди. Шу сабабли улар тўғрисидаги ахборотлар фойдаланувчиларга бевосита тақдим этиш усули белгиланди.

Юқорида билдирилган олинадиган счётлар ҳисоби ва ҳисоботиға тегишли фикрларимизни умумлаштириб қуйидаги хулосаларимизни берамиз.


Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансида олишга тегишли счётлар – жорий қисми таркиби мантиқий кетма-кетликда жойлашиши таъминланади. Бу жойлашув иқтисодий муносабатларда олинадиган счётлар бўйича фойдаланувчиларга зарур бўлган ахборотларни шакллантириш ҳамда тақдим этиш имконини беради.

Иккинчидан, энг асосийси олинадиган счётлар бўйича миллий ҳисоб ва ҳисоботни шакл ҳамда мазмунига кўра бу борадаги амалдаги ривожланган хорижий амалиёт билан мувофиқ келишига эришилади. Бу натижа, ҳам хорижий, ҳам миллий молиявий ахборотдан фойдаланувчилар учун жуда зарурлиги билан катта аҳамият касб этади.

Учинчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари принциплари ва талабларига мос келади. Миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимида олинадиган счётлар бўйича шакллантирилган маълумотлар ҳамда тақдим этиладиган ахборотлар фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан амалга оширадиган мутахассислар учун аниқ ва тушунарли бўлишига эришилади.

Шу жойда таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектни олишга тегишли маблағларни молиявий ҳисобот шаклида акс эттириш бўйича миллий ҳисоб тизимимизда жуда кўп жиддий муаммоли масалалар мажуд. Лекин уларни бир илмий тадқиқот доирасида ўрганиб, уларни бартараф қилишнинг имкони йўқ. Шу сабабли бу борада кўриб чиқилмаган масалалар бўйича фикрлар, қарашлар ва таклифларимизни келгуси илмий ишларимизда ёритиб борамиз, деб умид қиламиз.

Мухтасар қилиб айтиб ўтиш керакки, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун хўжалик юритувчи субъектларни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотлар ва ахборотларни халқаро тажрибалар ва умум қабул қилинган талаблар асосида эълон қилиниши ҳамкорлар билан бир хил тушунчалар асосида фикрлаш, бир-бирларини муаммосиз тўғри





тушиниш ҳамда ўзаро мулоқатларга киришиш жараёни онсонлаштириш ҳамда тезлаштириш учун ўта муҳимдир. Бу эса, мамлакатимиздаги инвестицион муҳитни янада яхшилашдаги долзарб тадбирлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.ifac.org>. - Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi rasmiy sayti
2. <https://www.mf.uz>. - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining rasmiy sayti
3. <https://www.naaa.uz>. - O'zbekiston Respublikasi Buxgalterlar va auditorlar milliy asociatsiyasining rasmiy sayti
4. Б.Хакимов, М.Юнусов, У.Холмирзаев. Бухгалтерия баланси маълумотларини халқаро талаблар асосида шакллантириш – давр талаби. *Biznes-Эксперт*.//2019. №7. 40-43 б.
5. «Бухгалтерский учёт» (учебное пособие) Каримов А.А., 2010г
6. Беспалов, М. В. Бухгалтерская (финансовая) отчетность коммерческих предприятий: учебное пособие / М. В. Беспалов, И. Т. Абдукаримов. — Инфра-М, 2018. – 320 с.
7. Гартвич, А. В. Бухгалтерский учет в таблицах и схемах / А. В. Гартвич. — Санкт-Петербург: Питер, 2018. — 288 с.

